



Ё Расулуллоҳ, Жиҳодни энг яхши амал деб биламиз, жиҳод қилмаймизми?», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, лекин мабрур ҳаж, энг афзал жиҳод», дедилар

Мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ, Жиҳодни энг яхши амал деб биламиз, жиҳод қилмаймизми?», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, лекин мабрур ҳаж, энг афзал жиҳод», дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Саҳобаи киромлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ва душманлари билан урушишни энг яхши амал деб билганлар. Шунинг учун Оиша разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жиҳод қилишга изн сўрадилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар учун энг афзал жиҳод нималигини баён қилиб, уларни ҳажжи мабрурга — яъни Қуръон ва Суннатга мос келадиган, гуноҳ ва риёдан пок бўлган ҳажга йўлладилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2759>

